

Сир эмас, щозирда Гафур Гулом номи тилга олинсаёк хаёлимизга унинг шўро ёзувчиси эканлиги, шеърларида шўрони кўйлагани келади — хафсаламиз совигандек бўлади. Бугун, юбилей бащона адибнинг асарларини кайта варакларкан, беихтиёр “кейинги йилларда карор топган бу хил муносабат адолатдан йирокрок тушмайдими” деган андиша тугилади...

Гафур Гуломнинг кенг оммага маълум ва суюк киссаси —“Шум бола”га хозирда кўпроқ саргузашт асар, кулги асари деб караймиз. Ха, чиндан хам Шум боланинг турфа хангомаларга бой саргузашти, ундаги ичакузди холатлар шундай ўйлашимизга асос берар. Бирок, эътибор килинса, адибнинг кулгиси, саргузаштили сюжет ботинида унинг замонаси хакидаги анчагина жиддий ўй-фиркалари, тахлилий мулохазалари ётганини хам кўришимиз мумкин бўлади.

Маълумки, Шум бола хикоясини ўзи ўсган мухит билан таништиришдан (шу ўринда бир шартни кабул килайлик: бу, аслида, ўсмирилик пайтидаги хаётнинг адиб хотирасида тикланган энг мухим нукталаридир) бошлайди. Шум боланинг айтишича, унинг сингари “бозорда санкиб юрган дайди болалар учун кувончили эрмаклардан бири бозор, махалла, кўча-кўй жиннилари эди. Ўша йиллари Тошкентда шунака хам жинни кўп эдики, санабсаногига етолмайсиз”. Жинниларнинг феъл-атворидаги кулгили холатларни хикоя киларкан Шум бола уларнинг фоже тақдирига оид тафсилотларга хам тўхталади. Хусусан, шулардан бири — Карим жинни “илгари бўзчи ўтган экан, чит кўпайиб кетгандан кейин бўз ўтмай колиб, бозори касодга учраб, бола-чакасини боколмай, жинни бўлиб колибди”. Ёки, шунга ўхшаш, эл ичиди “Майрамхон” дея эркаланган Маматрайим “эскидан чилангар экан <...> Темир-терсак асбоблар заводдан чика бошлагандан кейин Майрамхон синиб, жинни бўлиб колган экан”. Назаримизда, шу ўринда ўкувчи кисса вокелигига иккита нигоҳ оркали караш имконига эга бўлади: кулгили тафсилотлар ўспирин хикоячига, шўрликларнинг фоже тақдири хакидаги маълумотлар адибга тегишилик таассурот тугилади. Бошкacha айтсак, Шум бола нигоҳи билан ўсмирилик даврини кузатаркан адиб унга тахлилий назар ташлайди, фожеалар илдизини очиб беришга интилади.

Дарҳакикат, Туркистон Чор Россиясининг бозорига айлангач, махаллий хунарманд-косибларнинг маҳсулотлари завод-фабрика маҳсулотлари билан ракобат килолмай колди. Табиийки, мустамлака шароитида махаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини химоя килиш имкониятлари мавжуд эмас, бу эса мазкур иктисадий-ижтимоий тангликни янада кучайтиради. Натижада асрлар давомида шаклланган турмуш мароми издан чиқдики, бу нарса давр кишилари рухиятида чукур ва оғрикли из колдириши мукаррар эди. Гафур Гулом талкинида Карим жинни, Майрамхонлар шу хил ижтимоий холатнинг алайно-ошкор курбонлари сифатида бўй кўрсатади.

Шуниси хам борки, адиб талкинида мавжуд шароитнинг таъсир доираси анчайин кенг бўлиб, у асло битта-иккита жинни билан чекланмайди. Жумладан, Шум бола ўзи ва ўртоклари хакида айтади: “эртадан кеч кўча чангитиб, хамманинг жонига тегиб, кампирлардан каргиш эшитиб, ўспирилардан калтак еб, сандироклаб юрадиган увин-тўда бекорчи болалармиз”. Кўрамизки, хадемай мустакил хаётга кадам кўйиши ва хозирдан шунга тайёрланиши лозим бўлган 14-17 ёшли ўсмирилар бекорчиликка махкум. Сабаби оталарининг “кўпчилиги майда косиблар <...> бўлганликлари учун уларнинг

кўлидан хунарларини олиб ёки уларнинг ёнига кўмакчи бўлиб тушиш бизга тўгри келмас эди. Оталаримизнинг ўзига иш топилмаганда, бизга иш каёқда дейсиз?” Яъни, Шум бола ва унинг тенг-тўшларига эртанги истикбол кўринмайди. Эътиборли жихати шундаки, бу ўсмирлар асло дангаса эмас. Аксинча, уларнинг бари бирон ишнинг бошини тутиш, халол меҳнат билан бир нима орттириш, оиласига кўмаклашиш — хуллас, хаётда ўз ўрнини топиш орзузи билан яшайди. Бирок мавжуд шароит бунга имкон бермайди.

Яхши биласизки, ишсизликнинг кўпайиши — инсоннинг кадрини туширади, уни энг арzon товарга айлантиради. Натижада уларнинг топиш тутишларида мукимлик йўқ, топган ишлари тасодифий ва ё мувақкат, ишлаб топганлари коринларидан ортмайди.

Киссадаги айrim ўринларни эслаб кўрайлик: Шум бола Сарибойга ойига “хом пишик аралаш икки пуд ўн етти кадок олма” бадалига ёлланади. Бир ойу ўн тўккиз кун ишлагани эвазига олинган олмани олти ярим тангага пуллайди. Ёки Хожибобо такясидаги хизмати учун ойига бир сўмдан хак олади. Омон Шум бола билан илк бора учрашганида мардикорчилик билан “мирикам икки танга” (ўттиз беш тийин) орттирган бўлса, кейин “бир йилга икки тўклию бир эчки” бадалига чўпонликка ёлланадики, буни пулга айлантиrsa тахминан ўн беш сўмларни ташкил килади. Кўрамизки, куюк-суюк ёвғонини чикариб ташланса, бир ойлик иш хаки ўртача бир сўм-бир сўм йигирма тийинни (кунига ўртача 4-5 тийин) ташкил килади. Дарвоке, киссанинг кирқдан ортик ўрнида нарх-наво хакида маълумот берилгани хам бежиз эмасга ўхшайдики, улардан айримларини келтириб ўтамиз:

“иккита ковок солган зогора” — бир пакир(икки тийин)

“битта оби нон” — бир пакир

“бир хурмача катик” — бир пакир

“бир газ арzon чит” — саккиз ярим пакир

“бир кеча тунаш учун” — ярим танга (ўн тийин)

“ярим кадок пашмак холва” — уч пакир

“бир товок уврали ош” — тўккиз пул (уч тийин)

“ярим каймокдон каймок” — беш тийин

“бир кадок шам” — бир мири (беш тийин) ва хоказо.

Албатта, бу маълумотларни хужжатли аникликка эга деёлмаймиз, бирок ёзувчи иш хаки ва нарх-наво нисбатини келтириш оркали халкнинг иктисодий жихатдан нечогли ночор ахволдалигини кўрсатмокчи экани шубҳасиздир. Жумладан, Шум бола олти ярим танга(карийб бир ойлик иш хаки!)га дўппи сотиб оларкан: “бозордаги шўрлик хотин-кизларга ачинган эдим. Хафталаб меҳнат, таг, ипак пули, бозор машаккати, инжу кадалгандай нозик санъат баҳоси эса олти ярим танга. Нимаям бера коларди?” - дейди. Дўппидўз киз эса хафтада онаси билан “каллаи сахардан кора шомгача катим отиб аранг иккита, учта дўппи тайёрлаш”ларини айтади. Агар таг билан ипак пули чикариб ташланса, бозор бу оғир меҳнатни кандай баҳолаётгани кўринади. Тўгри, бу хол Шум болага бориб турган адолатсизлик бўлиб туюлади. Бирок, начораки, бу нарх ўзида дўппидўз кизнинг бир хафталик меҳнати баҳосинигина эмас, харидорларнинг ожиз имкониятларини хам ифода этади. Зеро, бозор — иктисодий хаёт барометри, унда халкнинг иктисодий холати кўзгудагидек акс этади. Шу боис хам киссада бозор, ундағи савдо-сотик тасвирига кайта-кайта дуч келамиз (бизнингча, айни шу нукталар тасвирида кўпроқ адиднинг тахлилий нигохи сезилади). Шум боланинг фикрича, расталар ичida “таърифи етти икlimга кетгани” — “Бит бозор” деб ном олган эски-туски бозори. Бу ерда истаган нарса топилади: “салдоти шим дейсизми, пойма-пой сагри кавуш дейсизми,

бирор етти йилгина кийилган, асли матои нима эканлиги маълум бўлмаган гуппи дейсизми, Маллахон замонидан колган мурсак дейсизми...” Модомики эски-туски бозори авжида экан, бу — халкнинг кашшоклашаётганидан нишона: сабаби тирикчилик важхидан бу матахларни бозорга чикараётгандар хам, кўли кискалигидан факат шунда харид килишга кодир кишилар хам етарли. Дарвоке, Шум бола билан Омон айни шу “бит бозор”да “ота касбини ўзгартириб, лахтакфурушлик килиб юрган” ўртоклари Хуснибийни учратишади. Хуснибийнинг уларнинг олдида бироз мактаниброк айтишича, ишлари яхши кетаётир, чунки “лахтакларнинг харидори кўп”. Сабаби: “бир газ арzon чит саккиз яrim пакир бўлгани учун бош-оёк кўйлак-иштонни нукул читдан килиш кўп камбагалларга мұяссар бўлмас эди. Шунинг учун улар кўйлак-иштонни бўздан килиб, кўйлакнинг енг учини, иштоннинг почаларини — кўринадиган жойларини читдан килишар эди”.

Кейинрок, бозорда учрашиб колган бошка бир ўртоги Туроббой Шум болага

“Хуснибийнинг лахтакфурушликдан сингани” хабарини етказади. Эътибор беринг: киссанинг бошида “чит кўпайиб кетгандан кейин бўз ўтмай колгани”, кейинрок чит ўрнига лахтакнинг бозори чаккон бўлгани, нихоят, Хуснибийнинг “лахтакфурушликдан сингани” айтилади. Яъни, энди кўпчиликнинг лахтак сотиб олишга-да холи келмайди, лахтак бозори-да касодга учради. Бир лахтак бозори эмас, “жахон уруши кундун-кунга кучайиб борганлиги учун молларга харидор кам: хамма бозор деярли касод”. Бозорга кирган Шум болада “бу бозорда мендан бошка жазман харидор хам йўқ, накд пул хам йўқ” деган таассурот хосил бўлиши хам шундан. Истеъмолчи оммада пул йўклигидан бозорлар касод, “хамма бозор касод”лиги эса иктисадий хаёт тўхтаганидан далолат, бунинг бор огирилиги яна меҳнаткаш, косиб-хунарманд бошига тушади. Кўрамизки, адид талкинида халкнинг иктисадий ахволи тобора огирашиб боради, ортиқ чидаш кийин бўлган, “йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган” шароит юзага келади...

Хожибо бошида кўкнориларнинг бир сухбати “замонанинг бузуклигидан, подшоларнинг нотинчлигидан, фукаронинг бузилиб бехаё бўлиб кетганинидан, ор-номус барбод бўлиб, хотинлар, ёш болалар кўлдан кўлга мол бўлиб сотилаётганидан, хуллас калом, шариати Мустафонинг оёк ости бўлиб назардан колаётганинидан...” нолиш билан якунланади. Тўгри, буни Шум бола бироз киноя билан хикоя килади, боз устига, бу гаплар кўкнорилар тилидан айтилаётир. Эҳтимол шундандир, бу шикоятларни жиддий кабул килишга мойил эмасмиз: улар сархуш кўкнориларнинг навбатдаги алахсирашидек туюлади бизга. Холбуки, Г.Гулом “Сўзчи холин бокма, бок сўз холини, Кўрма ким дер ани, кўргилким не дер”(А.Навоий) ақидасича иш тутган, киссада шу хил шикоятларга асос бергулик холатларни тасвирлаган. Зеро, мавжуд шароит нафакат халкнинг иктисадий ахволига, маънавиятга-да салбий таъсир кўрсатиши шубҳасизdir.

Маълумки, киссада тасвирланган давр Туркистонда капиталистик иктисадий муносабатлар карор топа бошлаган пайтга тўгри келади. Бунака шароитда эса, тарихдан яхши маълум, жамиятда табакаланиш кучаяди: эвини килолганлар ўта бойиб, эплана олмаганлар кашшоклашиб боради. Янгича шароитга тез мослашганлар “янги бойлар” катламини ташкил киладики, уларда зеб-хашамга, дабдабага ўчлик кўрилади. Халкимиз бу хил феъл-атворни оддийгина килиб “пул кутуртирган”, “кўрмаганнинг кўргани курсин” тарзида изохласа-да, бу оддий иборалар ўзида ходисанинг ижтимоий-психологик асосларини мужассам этади. Гап шундаки, “янги бойлар” кўлга кирган катта давлатни худонинг бергани деб эмас, аввало, ўзларининг окиллигию абжирлиги маҳсули деб билади. Бу эса уларда ўзларининг ўзгалардан устунлиги туйгусини пайдо киладики, улар беихтиёр буни барчага тан олдириш, намойиш этиш пайидан бўладилар. Табиийки, шу

туйгу исканжасига тушган, боз устига давлати туфайли кўли хар ерга ётиб турган одам жамиятда мавжуд анъаналар, маънавий-ахлокий меёрлар билан хар вакт хам хисоблашиб ўтиrmайди. Хусусан, гавжум бозор ўртасидаги чойхонада ўтирган “баъзи бойваччаларнинг дастурхонида корнига калдиргоч сурати солинган, устига походдан тўр тўкилган конъяклар” кўриниши бунинг ёркин далилидир. Равшанки, ичкилик харом хисобланган юртда бойваччаларнинг бу тарз намойишкорона ўтиришлари муддао ичишнинг ўзигина эмаслигини кўрсатади. Ёки айни шу бойваччалар ким ўзарга баслашиб Ойша сатанг сингариларга пишак берадиларки, улар: “пешонаму икки бетим, энгагимга ёпиштирилаверган ўн сўмлик тиллоларга тўлиб кетади”, дея гурурланиб, мактаниб юрадилар. Маънавий таназзул шунчаларки, бир пайтлар гуноху ор хисобланган ишлар энди намойишга, гурур манбаига айланган. Эҳ-хе, бойваччалар хашаму дабдаба, ичкилик, кимор, фахшга совурган пуллар канча?! Уларнинг атрофида юрган на еяр-ичари, на киярида маза йўқ юртдошлари, диндошлари канча?!. Дарвоке, халк “корни тўкнинг корни оч билан нима иши бор” дея билиб айтади. Бунинг ёркин мисоли — Сарибой. Унинг богида “олмалар пиши тўкилиб кетаётиди, хўжайндан рухсатсиз теришга хеч ким ботина олмайди. Отларга ем-хашак йўқ, хизматкорлар оч...” Бой ота эса бу вактда Юсуф контордан киморга ютиб олган богида, “дўндиқкина киргиз хотин”га уйланиб олган, бир кетганича “ўн-ўн беш кунлаб келмайди”. Сарибойнинг кўлига карам хизматкорлар холига бефарклиги на исломий ва на башарий низомларга тўгри келади. Зеро, хизматкорларгина унинг олдида эмас, у хам хизматкорлар олдида бурчли. Бирок Сарибой бу аён хакикатни англashedan ожиз, пулнинг кучи уни ўзидан кетказган, ўзи мансуб тоифа кишилари сингари у хам ўзига эп кўрганки ишни килишга хаклиман деб билади... Энг ёмони шуки, буларни хак йўлга бошлиши лозим бўлган, умуман, миллат маънавияти учун мастьул тоифанинг ўзи айниган: кечаги киссавур бошига саллани кўндириб “мурид овлайди”, эшон хазратлари ўсмир Шум болани ўгирилкка ундайди, кўса эшон гавжум бозор ўртасида зулмни адл деб талкин килади, таркидунёчилик даъвосидаги каландарларнинг ёлгиз илинжи — пул; ислом фарзларини тўла адо этганларнинг бири — Хожибобо афюнфуруш, Раҳмат хожи — хотинини бозорга солиб бойвачча бўлган даюс... Албатта, бу ўринда “Г.Гулом шўро адиби, шу боис бою руҳонийлар тасвирида кора бўёкларни куюклаштирган”, кабилидаги эътироз тугилиши мумкин. Агар шундай бўлса, жадид нашрларини вараклаб бокинг: маърифатпарвар боболаримиз хам айни шу иллатлар хакида бонг урганига амин бўласиз. Эътиборли томони шуки, адиб маънавий таназзулни факат бою руҳонийлардагина кўрмайди. Аксинча, бойваччалардан гула кўтарган косиб-хунармандлар сатанглар базмида хам, Хожибобо таксида хам гоҳ-гоҳ кўриниш берадилар. Боз устига, каҳрамонимиз Шум боланинг “шумлик”лари замираиди кишининг хаки ё омонатига хиёнат, каллоблик, кўли эгрилик каби иллатлар ниш уриб турганини хам инкор этиб бўлмайди. Унинг узрига кулок тутинг-а: “баданда бир саркаш аъзо бор, у менинг ихтиёримдан ташкари, ўзбошимчарок. <...> одамларга вафо килган — корин. У бадан мулкининг хокимлигини баъзан кўлимдан олиб кўяди. Бошка аъзолар хам унинг исёнчи талабларига кўшила бошлайди. Кўзим ношаръий, харом лукмаларга туша бошлайди. Кўл корин хукми билан баъзида энг паст кишиларга тама капгиридай чўзилади. Оёк кутмаган жойларга олиб боради”. Кўрамизки, адиб талкинида маънавий таназзул барчани бою камбагал демай барчани комига тортган. Факат шуниси борки, бирининг таназзули тўклиқдан, иккинчисиники очликдан келиб чикади, бас, бу ўринда аввалгиларини кўпроқ айблаш учун шўро ёзувчиси бўлиш шарт эмас...

Юкорида айтдикки, даврнинг жадидлар танкид килган деярли барча иллатлари “Шум бола” бадиий вокелигигида у ёки бу даражада ўз ифодасини топган. Киссадаги хаёт тасвиридан “ортиқ бу тарзда яшаб бўлмайди, жамият ислоҳ килиниши керак” деган хуоса келиб чикадики, бу хам жадидлар карашларига хамоханг. Ўртадаги фарқ эса, бизнингча, тасвир ракурсида холос: жадидлардан фарқ киларок, Г.Гулом меҳнаткаш халқ хаётини “ичдан” тасвирлайди. Яъни, адіб бу хаётни яшаб ўтган, сиртдан кузатиб билган эмас. Бас, инкилобдан сўнг меҳнаткашлар хаётида озми-кўпми ижобий ўзгаришлар бўлган экан, уларга адібнинг муносабати ижобий бўлмаслиги мумкинми эди?! Хозирда бу нав муносабатга, айтайлик, жадидлар муносабати ёки бугунда шаклланган муносабатни карама-карши кўйиш тўгримикан?! Ўша хаётни яшаб кўрмаган авлод буларнинг бирини хак, иккинчисини ноҳак санашга хаклими?! Ўтмиш хаётини хам, ўз вактидаги унга турлича муносабатларни хам ихтиёrimиздан ташкаридаги мавжудлик, амалга ошиб бўлган факт сифатида борича, бутунисича кабул килингани тўгрирок бўлмайдими?!...— юкорида айтганимиз андиша шу каби саволлардан туртки олади.

Дилмурод Куронов